# “Қалқон” — ватанпарварлик ва интизом мактабидир

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги:**

— Олий ўқув юртларида “Қалқон” жамоатчилик гуруҳларининг яратилиши нафақат талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришда, балки масъулиятли, ватанпарвар авлодни тарбиялашда ҳам муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда улкан имкониятлар яратилаётган, жадал ривожланаётган Ўзбекистонда “Қалқон” каби бирлашмалар ташаббускор ёшлар ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўла олишини яққол намоён этмоқда.

“Қалқон” — бу шунчаки талабалар гуруҳи эмас. Бу — ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мактаби, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, қонунбозлик одатлари ва меъёрларини сингдириш мактаби, фуқаролик етуклиги, жипслиги ва жамиятга хизмат қилиш истагининг рамзидир. Бу — лидерлик қобилиятлари ривожланадиган, жамоада ишлаш кўникмалари мустаҳкамланадиган, интизом, қонунга ҳурмат ва Ватанга муҳаббат тарбияланадиган майдон. Улар бошқа талабалардан фақат кийимда эмас — бу кийимни фахр билан кийиш орқали фарқланадилар.

Мамлакатимиздаги биринчи хорижий олий ўқув юрти саналган Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида “Қалқон” гуруҳи ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ интизомли, масъулиятли ва ташаббускор тузилма сифатида ўзини намоён этди. Йигит-қизлар университет ва ундан ташқаридаги тартибни таъминлаш, тантанали тадбирларни ташкил этиш, маърифий ва ватанпарварлик лойиҳаларида фаол иштирок этмоқда. Улар жамиятга ҳақиқий хизмат намунасини кўрсатиб, ўз тенгдошларига ибрат бўляпти.

Раҳбар сифатида фахр билан таъкидлайман: “Қалқон” аъзолари — бу ёшларимизнинг энг илғор вакиллари, масъулиятли, билимдон, креатив ва Ватанга садоқатли йигит-қизлардир. Яқинда уларга хизмат гувоҳномаларини топширдик, ўйлайманки, бу тадбир улар онгида умрбод сақланиб қолади. Гуруҳ аъзоларини махсус хизмат либослари, рациялар ва бошқа техник воситалар, радио алоқалар билан таъминладик.

Ишончим комилки, мамлакатимиз олий ўқув юртларидаги “Қалқон” ҳаракати талабалар учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтаб беради. Бу ҳаракат — кучли ва Янги Ўзбекистонни қуришга хизмат қиладиган келажак етакчилари, ҳимоячилари ва бунёдкорлари ўсиб чиқадиган мустаҳкам пойдеворга айланади.

Айтиш мумкинки, ўтган вақт мобайнида олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган талабалардан таркиб топган “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари мамлакат ёшларини муштарак мақсадлар йўлида бирлаштира олди.

Жамоатчилик гуруҳининг асосий мақсади — талаба-ёшларнинг олий таълим муассасасига қарашли барча ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ахборот хуружларига қарши курашиш, ёшларни турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш орқали давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдан иборат.